



ТРАНСПОРТ ВОСИТАСИДАН СОДИР ЭТИЛАДИГАН ЎҒРИЛИК ЖИНОЯТИНИ ОЛДИНИ ОЛИШ ВА ФОШ ЭТИШ ТУШУНЧАСИНИНГ ТАҲЛИЛИ

Хайдаматов Элёржон Боходирович

Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси мустақил изланувчиси,
Фарғони вилояти Ички ишлар бошқармаси Тезкор-қидирув хизмати
бошлиғи ўринбосари – Жиноят қидирув бошқармаси бошлиғи,
подполковник E-mail: Elyorjon84b@mail.ru
<https://doi.org/10.5281/zenodo.10691142>

Аннотация. Мақолада транспорт воситасидан содир этиладиган ўғрилик жиноятини олдини олиш ва фош этишни мазмуни ҳақида мутахассисларнинг фикрини ўрганиш асосида “транспорт воситасидан содир этиладиган ўғрилик жиноятининг олдини олиш”, “транспорт воситасидан содир этиладиган ўғрилик жиноятини фош этиш”, “транспорт воситасидан содир этиладиган ўғрилик жиноятига қарши курашиш” каби тушунчаларга муаллифлик таърифи ишлаб чиқилган.


Таянч сўзлар: транспорт воситаси, жиноятнинг олдини олиш, профилактик тадбир, фош этиш, тезкор-қидирув тадбирлари.

Транспорт воситасидан содир этиладиган ўғрилик жиноятини олдини олиш ва фош этишнинг мазмун-моҳияти ҳақида фикр билдиришда биринчи навбатда “автомобиль”, “транспорт”, “восита” каби сўзларнинг луғавий маъносини, “транспорт воситаси” тушунчасининг мазмун-моҳиятини, ушбу транспорт воситасидан содир этиладиган ўғриликка қарши курашишнинг тарихий ривожланиш босқичларини, шунингдек транспорт воситаси билан боғлиқ жиноятларнинг ўзаро фарқини билишиз жуда муҳимдир. Боиси, ушбу тушунчалар ҳақида фикр билдирганда аввало, қандай маънони англатишини, фарқли жиҳатларини тушиниб олишни зарур деб ҳисоблаймиз.

Автомобиль (“авто” – ўзи, лот. mobilis — ҳаракатчан) — двигатель ёрдамида ҳаракатга келтириладиган рельсиз транспорт воситаси¹; *транспорт* [лот. transportare – олиб бормоқ, ташимоқ, ўтказмоқ] Халқ хўжалигининг юк ва пассажирлар ташиш билан шуғулланувчи тармоғи ва воситалари²; *транспорт* — қатнов йўлларининг, транспорт воситаларининг, қатнов йўлларидаги техник қурилмалар, иншоотларнинг йўловчиларни, багажни, юк багажини, юкларни, почта ва курьерлик

¹ <https://qomus.info/encyclopedia/cat-a/avtomobil-uz/> (Электрон манбага мурожаат қилинган вақт: 06.10.2023).

² Ўзбек тилининг изоҳли луғати: 80.000 дан ортиқ сўз ва сўз бирикмаси. Ж. Ш. Т –Тартибли / Таҳрир хайъати: Т.Мирзаев (раҳбар) ва бошқ. Ўз. Рес. ФА Тил ва адабиёт ин-ти. – Т.: «Ўзбекистон миллий энциклопедияси» Давлат илмий нашриёти, 2006. – Б.168.





жўнатмаларини ташиш жараёнини таъминлайдиган барча турлари йиғиндиси³; *wosita* [арабча чора, тадбир, усул; ўрта, ўртадаги] Бирон мақсадга эришиш ёким бирон ишни амалга ошириш учун дастак бўлиб хизмат қиладиган нарса, қурол; умуман бирон нарсани амалга ошириш учун хизмат қиладиган, фойдаланадиган нарса, омил⁴; *транспорт воситаси* — одамларни, юкларни ташишга ёки махсус ишларни бажаришга мўлжалланган қурилма⁵; *транспорт воситалари* — йўловчиларни, багажни, юк багажини, юкларни, почта ва курьерлик жўнатмаларини ташиш учун мўлжалланган қурилмалар⁶; *транспорт воситалари деганда* енгил ва юк автомашиналарнинг барча тури, автобуслар, махсус машиналар, тракторлар, троллейбуслар, трамвайлар, двигателининг иш ҳажми 50 см³. дан кам бўлмаган мотоцикл ва мотороллерлар, йўл қурилиши, қишлоқ хўжалиги учун мўлжалланган ўзиюрар машиналар (экскаватор, бульдозер, автопогрузчик, грейдер, автокран ва бошқалар) тушунилади⁷; *ўғри* бу ўғирловчи, ўғирлик билан шуғулланувчи шахс⁸ деган маънони билдирса, “ўғрилик” сўзи эса ўғри иши, ўғирлаш, яъни ўзгалар мулкани ғайриқонуний, яширин равишда зўрлик ишлатмасдан ўз шахсий манфаати учун ишлатиш мақсадида олиш маъноларини англатади. Ўзбекистон Республикасининг “Маъмурий жавобгарлик тўғрисида”ги кодексининг 61, 101-моддалари ҳамда “Жиноят кодекси”нинг 135, 136, 137, 169, 247, 251, 251¹, 252, 267, 271-моддалари ва бошқа юридик адабиётларда “ўғрилик”, “ўғирлик” атамалари қўлланилсада, бир хил маънони билдиради. Ушбу тушунчалар, ибораларнинг мазмунини норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда тўғри қўллаш ва талқин этилиши транспорт воситасидан содир этиладиган ўғирликка қарши курашиш йўналишида хизмат фаолиятини самарали ташкил этилишига имконият яратади.

³ Ўзбекистон Республикасининг 2021 йил 9 августдаги “Транспорт тўғрисида”ги 706-сон Қонуни // <http://www.lex.uz>. (Электрон манбага мурожаат қилинган вақт: 06.10.2023).


⁴ Ўзбек тилининг изоҳли луғати: 80.000 дан ортиқ сўз ва сўз бирикмаси. Ж. И. В –Тартибли / Таҳрир хайъати: Т.Мирзаев (раҳбар) ва бошқ. Ўз. Рес. ФА Тил ва адабиёт ин-ти. – Т.: «Ўзбекистон миллий энциклопедияси» Давлат илмий нашриёти, 2006. – Б.468.

⁵ Ўзбекистон Республикасининг 2013 йил 10 апрелдаги “Йўл ҳаракати хавфсизлиги тўғрисида”ги 348-сон Қонуни // <http://www.lex.uz>. (Электрон манбага мурожаат қилинган вақт: 06.10.2023).

⁶ Ўзбекистон Республикасининг 2021 йил 9 августдаги “Транспорт тўғрисида”ги 706-сон Қонуни // <http://www.lex.uz>. (Электрон манбага мурожаат қилинган вақт: 06.10.2023).

⁷ Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 1996 йил 20 апрелдаги “Транспорт воситаларини олиб қочиш ишлари бўйича суд амалиёти ҳақида”ги 37-сон Қарори // (Электрон манбага мурожаат қилинган вақт: 06.10.2023).

⁸ Ўзбек тилининг изоҳли луғати: 80.000 дан ортиқ сўз ва сўз бирикмаси. Ж. В. Ў–Тартибли / Таҳрир хайъати: Т.Мирзаев (раҳбар) ва бошқ. Ўз. Рес. ФА Тил ва адабиёт ин-ти. – Т.: «Ўзбекистон миллий энциклопедияси» Давлат илмий нашриёти, 2006. – Б.195.





Транспорт воситаси билан боғлиқ жиноятларнинг фарқли чегарасини билишимиз лозим. Боиси, илмий адабиётларни ўрганиш шуни кўрсатдики, транспорт воситасидан содир этиладиган ўғрилик мазмуни ҳақида ягона ва мукамал ҳуқуқий таъриф деярли ишлаб чиқилмаган. Айрим мутахассислар томонидан ушбу жиноятнинг тушунчаси ҳақида баъзи фикр-мулоҳазалар билдирилган. Жумладан, М.М.Веремченко фикрича: “транспорт воситасидан ўғирлик бу нарсалар, ҳужжатларни, транспорт воситасининг юкхонасидаги мулкни ёки транспорт воситасининг эҳтиёт қисмларини яширин равишда талон-торож қилиниши”⁹ деб таъкилайди. Бошқа аксарият мутахассислар транспорт воситасини олиб қочиш, ўғирлаш тушунчасининг фарқлари ҳақида фикр-мулоҳазаларини билдириб ўтишган.


Транспорт воситасини олиб қочиш дейилганда айбдор шахснинг бир манзилдан иккинчи манзилга етиб бориш ниятида транспорт воситасидан ғайриқонуний равишда фойдаланиш назарда тутилади. Ушбу жиноят ҳаракат бошланган вақтдан бошлаб тугалланган ҳисобланиб, айбдор шахсларнинг транспорт воситасини турган жойини оз бўлса ҳам ўзгартириб, олиб қочишга уриниб, муайян манзилга етиб бормаганда ҳам ушбу жиноят тамомланган деб топилади¹⁰. Транспорт воситасини ўғирлаш деганда, айбдор шахснинг матив, мақсади текин бойлик ортириш мақсадида ўзганинг мулкни яширин равишда талон-торож қилишга қаратилган бўлиб, транспорт воситасини ғайриқонуний равишда бошқариб, ўзининг тасарруфига ўтказди. Дастлабки ҳаракатлар транспорт воситасини олиб қочиш¹¹ деб топилса, муайян манзилга ташлаб кетмасдан, кейинчалик сотиб юбориш мақсадида вақтинча яшириб қўйиш, транспорт воситасини ўғирлаш деб баҳоланади¹².

⁹ *Веремченко М.М.* Деятельность подразделений органов внутренних дел по выявлению, предупреждению, пресечению и раскрытию краж из автотранспортных средств. Автореф. Дис канд. юрид. наук. – Калининград - 2007. – С.12.

¹⁰ *Комаров А.В.* Неправомерное завладение автомобилем или иным транспортным средством без цели хищения (угон): уголовно-правовые и криминологические аспекты. Автореф. Дис канд. юрид. наук. – Москва - 2008. – С.12. (29с.); *Узденов А.И.* Угон транспортного средства по уголовному законодательству Российской Федерации. Автореф. Дис канд. юрид. наук. – Волгоград - 2008. – С.14.; *Сухомлинов Д.В.* Уголовная ответственность за угон транспортного средства и ее дифференциация. Автореф. Дис канд. юрид. наук. – Москва - 2016. – С.10. .

¹¹ *Узденов А.И.* Угон транспортного средства по уголовному законодательству Российской Федерации: Автореф. дис... канд. юрид. наук. – Волгоград., 2008. – 32 с.; *Пантюшин И.С.* Цель кражи // Уголовная политика: теория и практика криминалистика, оперативно-розыскная деятельность Общество и право 2009 №1 (23) С.187-189.

¹² *Рязанцев А. В.* Проблемные вопросы уголовно-правовой характеристики угона и кражи автотранспортных средств // Вестник Московского университета МВД России. 2012. №7. URL: <https://cyberleninka.ru/article/n/problemnye-voprosy-ugolovno-pravovoy-harakteristiki-ugona-i-krazhi-avtotransportnyh-sredstv> (дата обращения: 18.10.2023); *Плодовский Ю.В.* Проблемы отграничения кражи автомобиля от завладения автомобилем без цели хищения (угона) Юридическая наука. 2012. № 3. С.62-66.





Транспорт воситалари билан боғлиқ жиноятларнинг фарқли жиҳатлари *биринчидан*, транспорт воситасини олиб қочиш ва ўғирлаш тўғри қасд билан амалга оширилиб, биринчи ҳаракат транспорт воситасини олиб қочиш билан бошланади¹³; *икинчидан*, транспорт воситасини фирибгарлик, талончилик ва босқинчилик ва бошқа мақсадларда эгалланда транспорт воситасини олиб қочиш ва ўғирлаш бўйича норманинг оғирроқ қисми бўйича айбор шахс жавобгарликка тортилиши¹⁴; *учинчидан*, айбдор шахснинг матив ва мақсади транспорт воситасини ўғирлаш бўлмасдан муайян манзилга етиб олиш бўлганида, унинг ҳаракатлари транспорт воситасини олиб қочиш билан баҳоланади; *тўртинчидан*, айбдор шахс томонидан транспорт воситаси ўғирлик, талончилик ва босқинчилик йўли билан қўлга киритилган бўлса жиноят қонунчилигида назарда тутилган транспорт воситасини олиб қочиш нормасининг оғирроқ қисми ва банди бўйича жавобгарлик масаласи ҳал этилади; *бешинчидан*, транспорт воситаси ишониб топширилган ёки бириктирилган шахс томонидан ўзбошимчалик билан фойдаланганда, олиб қочиш сифатида баҳоланмаслиги; *олтинчидан*, транспорт воситасини ҳаракатга келтирмасдан турган жойида унинг эҳтиёт қисмларини, салони ёки юкхонасида мавжуд ҳар қандай кўринишдаги моддий қийматга эга мулкни яширин равишда ғайриқонуний тарзда талон-торож қилиниши транспорт воситасидан содир этилган ўғирлик сифатида баҳоланиб, етказилган зарар миқдори¹⁵, якка ёки гуруҳ таркибида содир этилгани, илгари судланганлик ҳолатидан келиб чиққан ҳолда ўғирлик нормасининг тегишли қисми ва банди бўйича ҳуқуқий малакаланади. Ушбу фарқли тушунчаларни таҳлил қилиш асосида “транспорт воситасидан содир этиладиган ўғирлик жинояти” тушунчасига қуйидаги: “*транспорт воситасидан содир этиладиган ўғирлик деганда айбдор шахс томонидан ўзганинг (давлат, жисмоний, юридик шахсларнинг) мулки ҳисобланган енгил ва юк автомашиналарни барча*

Рахмаев Р.Р. О проблемах разграничения составов преступлений, связанных с незаконным завладением транспортного средства // Международный журнал гуманитарных и естественных наук. 2020. №11-3. URL: <https://cyberleninka.ru/article/n/o-problemah-razgranicheniya-sostavov-prestupleniy-svyazannyh-s-nezakonnym-zavladeniem-transportnogo-sredstva> (дата обращения: 18.10.2023).

¹³ Плодовский Ю.В. Проблемы отграничения кражи автомобиля от завладения автомобилем без цели хищения (угона) // Юридическая наука. 2012. №3. URL: <https://cyberleninka.ru/article/n/problemy-otgranicheniya-krazhi-avtomobilya-ot-zavladeniya-avtomobilem-bez-tseli-hischeniya-ugona> (дата обращения: 19.10.2023).

¹⁴ Харченко С.В., Васильев Н.Н. К вопросу об оперативно-разыскной характеристике криминального автобизнеса 2015 <https://cyberleninka.ru/article/n/k-voprosu-ob-operativno-razysknoy-harakteristike-kriminalnogo-avtobiznesa> (дата обращения: 19.10.2023).

¹⁵ Горячев В.В. Расследование краж на предприятиях автомобильной промышленности: Автореф..дис... канд. юрид. наук. – Владимир., 2005. – 24 с.






тури, двигателининг иш ҳажми 50 см³. дан кам бўлмаган мотоцикл ва мотороллерлар, йўл қурилиши, қишлоқ хўжалиги учун мўлжалланган ўзиюрар машиналарнинг эҳтиёт қисмларини, салони ёки юкхонасида мавжуд ҳар қандай кўринишдаги моддий қийматга эга мулкни яширин равишда ғайриқонуний тарзда талон-торож қилиш тушунилади” мазмунида таъриф беришимиз мумкин.

Транспорт воситасидан ўғирлик содир этилишига йўл қўйилмаслиги учун тегишли чора-тадбирларни ўтказилиши талаб этилади. Шу масалада, В.А. Андрухов қуйидагиларни баён қилади: “транспорт воситаси билан боғлиқ жиноятларни барвақт олдини олишда давлатнинг махсус ваколатли органлари томонидан умумий ва махсус профилактик тадбирларни ўтказиш орқали ижобий натижага эришилади”¹⁶ деб таъкидлайди. Р.С.Хамидуллин ва Т.К.Аюкинлар фикрича: “транспорт воситаси билан боғлиқ жиноятларни бартараф этишда ҳукумат томонидан қабул қилинган қарор асосида давлат органлари, автомобиль ишлаб чиқарувчи корхоналар томонидан комплекс чора-тадбирларни, шунингдек, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг ваколатли органлари якка ва виктимологик тадбирларни амалга ошириш лозим”¹⁷ мазмунида фикрларни билдиради. Ушбу мутахассисларни фикрлари таҳлил қилинганида *биринчидан*, транспорт воситасидан содир этилган ўғирликнинг барвақт олдини олишда қонунда белгиланган субъектлар томонидан комплекс чора-тадбирлар амалга оширилиши; *иккинчидан*, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг мазкур жиноятни олдини олишга ваколатли махсус бўлинмалари томонидан умумий, махсус, якка тартибда ва виктимологик профилактик тадбирлар амалга оширилиши маълум бўлди. Юқорида билдирилган таҳлилий фикрларга таяниб бизнинг фикримизча, транспорт воситаси билан боғлиқ жиноятни олдини олишда ҳукумат даражасида ишлаб чиқилган комплекс чора-тадбирлар асосида ваколатли давлат органи томонидан мақсадли ва манзилли умумий ва махсус чора-тадбирлар ўтказилиши лозим деб ҳисоблаймиз. Билдирилган фикрлар асосида “транспорт воситасидан содир этиладиган

¹⁶ Андрухов В.А. Профилактика, выявление и раскрытие преступлений, связанных с кражами, угонами и легализацией транспортных средств, сотрудниками подразделений ГИБДД в Краснодарском крае // Вестник КРУ МВД России. 2011. №4 (14). URL: <https://cyberleninka.ru/article/n/profilaktika-vyyavlenie-i-raskrytie-prestupleniy-svyazannyh-s-krazhami-ugonami-i-legalizatsiyey-transportnyh-sredstv-sotrudnikami> (дата обращения: 29.10.2023).

¹⁷ Хамидуллин Р.С., Аюкин Т.К. Предупреждение и раскрытие краж и угонов автотранспорта: актуальные проблемы и способы их решения. // Полицейская деятельность. 2022. №5. URL: <https://cyberleninka.ru/article/n/preduprezhdenie-i-raskrytie-krazh-i-ugonov-avtotransporta-aktualnye-problemy-i-sposoby-ih-resheniya> (дата обращения: 29.10.2023).






ўғрилик жиноятини олдини олиш” тушунчасига қуйидаги: “транспорт воситасидан содир этиладиган ўғрилик жиноятининг олдини олиш деганда ички ишлар органлари тезкор бўлинмалари томонидан мазкур жиноятни барвақт олдини олиш билан боғлиқ тезкор-қидирув фаолиятининг вазифаларини ҳал этишда тезкор-қидирув фаолиятининг усуллари, куч ва воситалари асосида ИИВнинг соҳавий хизматлар ва бошқа давлат органлари билан ҳамкорликда тезкор-қидирув ва умумий, махсус, якка, виктимологик профилактик тадбирларни ўтказилиши тушунилади” мазмунида таъриф беришни лозим топдик.

Маълумки, тезкор-қидирув фаолиятида жиноятларга барҳам бериш, чек қўйиш вазифаси белгиланган. Мазкур вазифани амалга оширишда барвақт олдини олиш имкони бўлмаган вазиятларда тезкор-қидирув тадбирларини ўтказиш орқали, жиноятни “иззиқ изида” яъни, уч кунда ёки дастлаб тергов муддати доирасида, содир этилган ёки содир этилиши режалаштирилган жиноятни фош этиш, жиноятчиларнинг шахсини аниқлаш ва уларга нисбатан далилий ашёлар тўплаш назарда тутилади. Мазкур масалада В.Р. Столбов қуйидаги фикрларни билдиради: “транспорт воситасидан содир этилган ўғриликни самарали фош этишда биринчи навбатда тезкор аҳамиятга эга икки ёки ундан ортиқ шахсга нисбатан ТҚФ қонунчилигининг шартлари ва асосига риоя қилган ҳолда дастлабки ва кейинги тезкор-қидирув тадбирларни ўтказиш ва натижаларини тергов органларига тақдим этилиши лозим”¹⁸ деб ҳисоблайди.

Шунингдек, А.А.Венедиктов, Ю.Е.Венедиктоваларнинг таъкидлашича: “транспорт воситасидан содир этилган ўғрилик жиноятини “иссиқ изида” фош этишда полиция органларининг махсус бўлинмалари томонидан ошкора, ноошкора усулларда тезкор-қидирув тадбирлари ўтказиш орқали жабрланувчига етказилиши мумкин бўлган моддий зарарни олдини олиш мумкинлиги, ушбу тадбирларни амалга оширишда, криминоген ҳудудда фаолият кўрсатаётган уюшган гуруҳнинг аъзоларига эътибор бериш жуда муҳим ҳисобланади”¹⁹ деб фикр-мулоҳазаларини билдиришган. Демак, транспорт воситасидан содир

¹⁸ Столбов В.Р. Тактические особенности проведения оперативно-разыскных мероприятий при раскрытии краж автотранспорта, причинивших ущерб в особо крупном размере, совершенных в составе организованных групп // Вестник Восточно-Сибирского института МВД России. 2022. №4. URL: <https://cyberleninka.ru/article/n/takticheskie-osobennosti-provedeniya-operativno-razysknyh-meropriyatij-pri-raskrytii-krazh-avtotransporta-prichinivshih-uscherb-v> (дата обращения: 29.10.2023).

¹⁹ Венедиктов А.А, Венедиктова Ю. Е. Схемы преступной деятельности организованных групп, специализирующихся на кражах автомобилей // Международный журнал гуманитарных и естественных наук. 2019. №3-2. URL: <https://cyberleninka.ru/article/n/shemy-prestupnoy-deyatelnosti-organizovannyh-grupp-spezializiruyuschih-sya-na-krazhah-avtomobiley> (дата обращения: 29.10.2023).





этиладиган ўғрилиқ жиноятини фош этишда тезкор-қидирув тадбирлари асосан уюшган жиноий гуруҳ аъзосига нисбатан ўтказилиши маълум бўлди. Ушбу таҳлиллар асосида “транспорт воситасидан содир этиладиган ўғрилиқ жиноятини фош этиш” тушунчасига қуйидаги: *“транспорт воситасидан содир этиладиган ўғрилиқ жиноятини фош этиш деганда* ички ишлар органлари тезкор бўлинмалари томонидан мазкур жиноятни “иссиқ изи”да фош этишга доир тезкор-қидирув фаолиятининг вазифаларини самарали ҳал этишда тезкор-қидирув фаолияти усуллари, куч ва воситалари асосида тезкор аҳамиятга эга ёки мазкур жиноятни содир этишда аниқ гумонланаётган шахс (шахслар)га нисбатан ИИВнинг соҳавий хизматлари ва бошқа давлат органлари билан ҳамкорликда тезкор-қидирув тадбирларни амалга ошириш тушунилади” мазмунида; кенгроқ маънода эса, *“транспорт воситасидан содир этиладиган ўғрилиқ жиноятига қарши курашиш деганда* жисмоний ва юридик шахсларнинг ёки давлатнинг мулки ҳисобланган енгил ва юк автомашиналарни барча тури, двигателининг иш ҳажми 50 см³. дан кам бўлмаган мотоцикл ва мотороллерлар, йўл қурилиши, қишлоқ хўжалиги учун мўлжалланган ўзиюрар машиналар эҳтиёт қисмини, салони ва юкхонасида мавжуд ҳар қандай кўринишдаги моддий қийматга эга мол-мулкни айбдор шахс томонидан ғайриқонуний ва яширин тарзда талон-торож қилинишига қарши ИИО ҳуқуқбузарликлар профилактикаси хизмати, тезкор бўлинмалари ҳамда бошқа давлат органлари билан ўзаро ҳамкорликда профилактик ва тезкор-қидирув тадбирларни амалга ошириш тушунилади” мазмунида таъриф бериш лозим.

Хулоса ўрнида айтганда, ИИОларининг тезкор бўлинмалари ходими транспорт воситасидан содир этиладиган ўғрилиқ жиноятини олдини олиш ва фош этиш фаолиятини самарали ташкил этишда, биринчи галда юқорида таҳлил қилинган тушунчаларнинг фарқли жиҳатини, мазмунини билиб, аниқ йўналишни белгилаб олса, ТҚФнинг вазифалари ижобий ҳал этилади.

